



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 24 май, № 106 (7064) Пайшанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛИГИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ»

Шу кунларда мамлакатимизда "Amnesty International" халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Мазкур тузилма 1961 йили Буюк Британияда ташкил этилган.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ушбу ташриф ҳақида хабар қилар экан, Германиянинг "Deutsche Welle" радиостанцияси Ўзбекистон илк бор чет эл ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари вакиллари қабул қилишга тайёрлигини 2017 йил июль ойида маълум қилган.

Шуниси қувонарлики, мазкур халқаро нодавлат институтининг Ўзбекистонга қизиқиши орттириш ва мамлакатимиз билан ҳамкорлигининг янгилаштиришга туртки бўлган асосий омил республикамизда бошланган кенг қўламли, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган ислохотлар жараёнидир. Хусусан, шу йилнинг февраль

ойида "Amnesty International" эълон қилган 2017 йилда дунё давлатларида инсон ҳуқуқлари амал қилиниши ҳақидаги маърузада Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда "фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тиклаш ва мустақамлаш борасида янги ўзгаришлар юз бергани" эътироф этилди. Ташкилот Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолияти ва сўз эркинлигига доир чекловларни бартараф қилиш ҳамда жиноий ишлар бўйича суд тизимини такомиллаштириш бўйича қарорларнинг муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистонга ташриф олдидан тузилма махсус хабар тарқатиб, унда делегация таркибига "Amnesty International"нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Мари Стразерс ва унинг ўринбосари Денис Кривошеев киришини маълум қилди. "Биз Ўзбекистон раҳбариятининг халқ-

ро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамжамияти билан мулоқотга тайёрлигини юқори баҳолаймиз ҳамда инсон ҳуқуқларининг бизда ҳали-ҳамон хавотир уйғотётган масалаларини муҳокама қилишдан хурсандмиз", дейди Мари Стразерс.

Россиянинг "Sputnik" ахборот агентлиги ташкилот Ўзбекистон вакиллари учун тавсиялар рўйхатини ишлаб чиқиб, Тошкентда ушбу рўйхатни диққат билан ўрганиб чиқишларидан умидвор" эканлигини маълум қилади. Агентлик сўнги вақтда яна бир нодавлат ташкилот — "Human Rights Watch" Ўзбекистонга алоҳида қизиқиш билдираётганини қайд этиб ўтди. "Human Rights Watch" делегацияси 2017 йил сентябрь ойида республикага ташриф бурган эди.

Қирғизистоннинг "АКИпресс" янгиликлар агентлиги шарҳловчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан алоқаларининг тикланиши республикадаги сармоиявий муҳитга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг дунё ишбилармонлари



Яқинда "InformБюро.kz" агентлигига берган интервьюсида эксперт Ўзбекистон ўсиш суръатларини намойён қилаётганини, агар ушбу ҳолат сақланиб қолса, республика ривожланиш бўйича кўплаб мамлакатлардан олдинга ўтиб кетишини прогноз қилади. Бунинг учун Ўзбекистонга кўпи билан беш йил керак, деб ҳисоблайди мутахассис:



"Беш йилда Ўзбекистон кўплаб ишлаб чиқариш қувватларини яратди, мамлакатда ахборот технологиялари тизимини йўлга қўйиб, IT-компанияларни тўлалигича ўзига жалб қилади".

олдидаги имиджини яхшилашга ҳизмат қилади. Шу маънода, қозғистонлик иқтисодчи, "CSI" консалтинг компанияси раҳбари Олжас Худайбергеновнинг фикрини келтириш мақсадга мувофиқ.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи» тайёрлади.)

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши яқинда Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича Ўзининг икки юздан ортиқ тавсияларини берди.

БРИФИНГ

Ўзбекистон делегацияси халқаро ҳамжамият эътиборига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни яхшилаш, жумладан, ушбу йўналишдаги халқаро мажбуриятларини, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг аввалги тавсияларини бажариш доирасидаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни

ҳавола этди. БМТ аъзолари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саъй-ҳаракатлари ва муваффақиятларини, конституциявий, институционал ҳамда маъмурий ислохотларни ва мамлакатнинг очкилигини, конструктив мулоқотга тайёрлигини юқори баҳолади.

(Давоми 2-бетда.)

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон — Европа иттифоқи: Манфаатли алоқаларнинг мустақам асоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Европа иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Кенгаши ишчи гуруҳи раҳбари Ютта Эдхофер бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев меҳмонларга мамлакатимизда Харакатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Ўзбекистоннинг янги фаол ташқи сиёсати, мамлакат миллий манфаатларини халқаро ҳамжамиятда илгари суришда парламентнинг ролини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Мазкур ишчи гуруҳ Европа иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан икки томонлама ҳамда минтақаларо барча жабҳасини кўриб чиқишга маъсул бўлган экспертлик органи ҳисобланади.

Делегация аъзолари мамлакатимизда парламент кўйи палатаси, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ташқи ишлар, Адлия, Ташқи савдо, Иқтисодий вазирликларда, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида музоқаралар ўтказди.

Ишчи гуруҳнинг мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш, сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларида ҳам-

корликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш ва Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин қўнчилик муносабатларини ривожлантириш бўйича янги минтақавий сиёсат юзасидан фикр алмашишдир, — дейди ишчи гуруҳ раиси Ютта Эдхофер. — Биз турли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан мулоқот ўтказдик, Бухоро вилоятига бориб, маҳаллий ҳокимлик вакиллари билан фикр алмашидик. Хозирги кунда Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси ишлаб чиқилаяпти.

Айни пайтда ушбу ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича муҳокама-лар бошлаб юборилган. Учрашувда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Кенгайтирилган шерклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаш бўйича батафсил фикр алмашилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат мамлакатимиз тараққиёти учун янги истиқбол ҳамда имкониятлар эшигини очди.

ЕИ делегацияси Ўзбекистон Республикасидаги жадал ўзгаришларга, шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва мамлакатнинг халқаро имиджини мустақамлашга қаратилган ислохотларга юқори баҳо берди.

Қобил ХИДИРОВ.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Бугунги шиддат билан кечаётган замонда мамлакатимизда давлат бошқаруви, умуман, бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар ва чўқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш, соҳада мавжуд муаммолар ҳамда ишлатилмаётган имконият ва захираларни чўқур ҳамда атрофича таҳлил қилиш асосида унинг энг илғор, замонавий шакллари ва усуллари жорий қилинаёпти.

Мамлакатни технологик ривожлантириш имкониятлари

Миллий иқтисодий янада ривожлантириш бўйича аниқ ва стратегик вазифаларни тўлақонли рўйбга чиқариш учун бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, бошқарув жараёнларида оптимал қарорлар қабул қилинишига, унинг самарадорлиги ва натижадорлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирилган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Айни пайтда Президентимиз тавсияларига биноан депутатлар ва сенаторлар томонидан жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнларида устав фондида давлат улуши бўлган айрим корхоналар фаолиятида корпоратив бошқарув ва замонавий менежмент усулларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани, ресурсларнинг самарали ишлатилмаётгани, улар фаолиятини

тизимли таҳлил ва назорат қилишдаги камчиликлар каби ечимини кутаётган масалалар борлиги кўзга яққол ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан ана шу масалалар ечимига, хусусан, устав фондида давлат улуши кўп бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни бошқариш тизимининг самарадорлигини таъминлаш ва фаолиятини такомиллаштиришга, улар томонидан ўз вазифаларини тўлиқ бажариш ҳамда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга кўмаклашиш имкониятларини янада кучайтиришга, ушбу корхоналар учун замонавий корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасидаги билимларга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.


(Давоми 2-бетда.)

Кўприксоозлик санъатининг янги асари

пойтахтимизнинг Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида барпо этилаёпти



Бунёдкорлик



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бу иштибоҳни бежиз қўллаётганимиз йўқ. Сабаби, кейинги йилларда йўл қурилиши соҳасига кўприксоозлик билан бирга, бунёдкорликнинг инновацион ечимлари, тамомилла илғор технологиялар ҳам кириб келдики, натижада янги иншоотга ҳамоҳанг яхлит меъморий ечимга эга инфратузилма пайдо бўлаяпти.

Бунда нафақат ҳайдовчилар, балки йўловчи ҳамда пидедаларга ҳам бирдек қўлайлик яратилмоқда. Ҳатто, ландшафт дизайни асосида худудлар ободонлаштирилиб, йўллар атрофига киши кайфиятини кўтарадиган анвоий гуллар, манзарали дарахтлар ўтказилаптики, бу янада кўркамлик бахш этаётди. Яқин кунларда Тошкент шаҳрининг Бунёдкор ва Чўпонота кўча-

лари кесишган жойда қурилиши жадал олиб борилаётган замонавий йўлқўзғич ҳамда унинг атрофи ҳам ана шундай сўлим ва қўлай масканга айланади. У "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонасининг маҳалли мутахассислари томонидан барпо қилинаёпти.

(Давоми 3-бетда.)



Қайта кашф этилаётган Мирзачўл

Мирзачўл туманининг Ғалаба маҳалласи "Обод қишлоқ" дастурига кўра қайта чиroy очаетир. Бу ерда қурилиш ишлари учта массивга бўлинган ҳолда олиб боришмоқда. Маҳалладаги, халқона тилда айтганда, "барак" уйлاردан 54 таси ва уларнинг атрофидаги ноқонуний иншоотлар бузиб ташланди.

«Обод қишлоқ» дастури

Янги қурилаётган тураржойларга, биринчи навбатда, уйи бузилган, кам таъминланган оилалар кўчиб кириши аҳолини хурсанд қилаёпти, — дейди ушбу маҳалланинг Дўстлик кўчасида яшовчи меҳнат фахрийси Ҳасан Исоев. —

Уйлари бузилган 315 хонадонда 1 минг 266 нафар маҳалладошимиз истиқомат қиларди. Энди улар кўркам ҳамда шинам уйларга босқичма-босқич кўчиб ўтишди. Маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланганидан

буён 40 та икки қаватли уйнинг эскирган том қисми тўлиқ янгиланди. Уйлар олдидаги кимдир хом гишда, кимдир эски тунуқда ўраб олган "ховличалар", товухона, тандирхона, гараж ҳамда режасиз қурилган бошқа иншоотлар олиб ташла-

ниб, атрофи ободонлаштирилди. Хозирги кунда бу уйлarning 36 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. — Одамлар учун уйдан ташқари ёрдамчи бинолар ҳам зарур, албатта, — дейди тумандаги "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Қўлатова. — Шунинг учун бузилган иншоотлар ўрнига замонавий асосда 13 та тандирхона, ўчоқ ҳамда ўтинхоналар қуриб берилди. Қолганларида қурилиш ишлари давом этмоқда. Буларнинг барчаси одамлар яшаш тарзини яхшилаш, маданиятини ўзгартиришда муҳимдир.

Ўзбекиликда яна бир аънава бор: эртанги кунимизга асқатади, фарзандларимиз тўйларини яхши кунларда ишлатимиз, деб бир-икки бош қорамол, қўй-қўзи боқамиз. Ана шу жиҳатлар ҳам дастурда ҳисобга олингани диққатга сазовор. Хозирги кунда кўп қаватли уйлarda яшовчи аҳолининг истаклари асосида 100 бош қорамол ва яна шунча қўй-эчки учун муължалланган чорвачилик мажмуаси қурилаётди.

(Давоми 3-бетда.)

Ички ишлар соҳасида ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини Рамазон Ҳамро Раҳимзода билан расмий учрашув бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сиёсати туфайли қўшни давлатлар билан самарали ва дўстона муносабатлар йўлга қўйилмоқда. Хусусан, айни пайтда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражада кўтарилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги идораларaro ҳамкорлик ҳам фаол тарзда ривожланмоқда.

Учрашувда терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, одам савдосига қарши курашиш, тезкор ахборот алмашиши фаоллаштириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)



Нукусда "Умид ниҳоллари — 2018" спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Чемпионлик ёш танламайди

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан юртимизда ёш авлод камолоти йўлида барча шароит яратилаётгани, жумладан, бу каби мусобақалар йигит-қизларнинг маънан ва

жисмонан етук бўлиб улғайишларида муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлашди. Бахслар якунида Нукус шаҳри ёшлари муваффақият қозонди. Уларга Президент

совғаси — "Damas" автомобили тантанали равишда топширилди. Қораўзак тумани жамоаси иккинчи, Тахтақўпир ва Амударё туманлари вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган ушбу беллашувларнинг Наманган вилояти бўйича финал босқичида 746 нафар ёш иқтидор эгаси қатнашди.



дидим, — дейди Чуст тумани вакили Сўғдиёна Мадалиева. — У билан жиддий шугулланиб, маҳоратимни ошираётман. "Умид ниҳоллари"нинг вилоят босқичида 11 нафар тенгдошимни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим. Тантанали маросимда олтин медал, спорт кийимлари тўплами ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландим. Эришган муваффақиятим мени янгидан-янги марраларга чорлайди. Шу кунни умумжамоа ҳисобидан иккинчи ўринни қўлга киритган Тўрақўрғон тумани спортчилари компьютер жамламаси, учинчи ўрин соҳиб бўлган ўқувчи билан мукофотланди.

Хидоят АХМЕДОВ,
Қудратилла НАХМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Хаво шарида саёҳат

Хива шаҳрида хаво шарида учиб акцияси ташкил қилинди. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда ҳудуддаги болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари ҳамда эҳтиёжман оилаларнинг фарзандлари очик осмон остидаги музей шаҳарни баянлашдан туриб томоша қилиш имконига эга бўлдилар.

ЯНГИЛИК

— Хаво шарида учиб туриш телевидорда кўриб, хавасим келарди, — дейди тарбияланувчи Шаҳноза Нибёметова. — Бугун ниятимга етдим. Шаҳардаги обидаларни юқоридан томоша қилиш бошқача бўларкан. Жуда катта таассурот олдим. Хивада сайёҳлар эътиборини

нафақат тарихий ёдгорликлар, балки замонавий ажойиботлар орқали ҳам жалб қилиш чоралари қўрилмоқда. Яқинда шаҳарга хаво-да муаллақ туровчи даревш аттракцион олиб келинган эди. Энди эса улкан хаво шарни кўчилик эътиборини тортаяпти.

— Бугунги хайрия акциясида болаларни хаво шарлари ҳақида маълумотлар билан таништирдик, — дейди Аэроавиация федерациясининг Хоразм вилояти филиали директори Илхом Сетматов. — Учинчи жараёнда уларга малакали мутахассисларимиз хизмат кўрсатди. Бундай саёҳатга нафақат ёшларда, балки хорижий меҳмонларда ҳам қизиқиш катта. "Ичан-Қалъа" давлат музей-қўриқонасининг 100 метр баланддан томоша қилиш, шаҳарнинг бетакдор гузаллигини баҳраманда бўлиш ва уни фотосуратларда акс эттириш барчага завқ-шавқ бағишлади.

Одилбек ОДАМБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эксклюзив интервью

«Абдулла Қодирий ҳақида бадий фильм суратга олмоқчиман»

дейди америкалик ёзувчи ва таржимон Марк РИСС

Марк Рисс — АҚШнинг Вашингтон университетидан "Марказий Осиёдаги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили, ҳадидчилик ва Ислон фикри" бўйича таълим олган. У 23 йиллик иш фаолиятини Марказий Осиёда "Тинчлик корпуси" кўнгиллиси сифатида бошлади. 1994 — 1997 йилларда Ўзбекистонда ишлади. Термиз, Самарқанд, Қўқон шаҳарларида инглиз тилидан болаларга дарс берди ва ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларида иштирок этди. Атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини инглиз тилига таржима қилди. Айни пайтда Теннеси штати Нэшвил шаҳрида тошкентлик рафиқаси ва ўғли билан яшайди.



"Халқ сўзи" газетаси махсус мухбири АҚШга ижодий сафари давомида Марк Рисс билан учрашиб, сўхбатлашди. Мулоқот ўзбек тилида бўлиб ўтди.

— Мамлакатингизда бир неча йил давомида ҳақиқий ўзбеклардек яшаганман, — дея сўхбатимизни бошлади мезбон. — Халқингизнинг меҳмондўстлиги, бой маданияти, ҳеч қайси мамлакатда учрамайдиган, фақатгина ўзбекларга хос бўлган нобў урф-одатлар мени ўзимга ром этган.

— Узингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз. Қандай сабаб билан Ўзбекистонга борган эдингиз?

— 7-синфда ўқиётганимда, Дарз Бергор исми ўқитувчим ҳаётимда муҳим роль ўйнади. У 1963-1964 йилларда Африканинг Гана давлатида "Тинчлик корпуси"да ишлаган экан. Унга ҳавасим келиб, шу соҳада ишлашни ният қилдим. Уша ўқитувчим Совет иттифоқи тарҳа кетгандан сўнг, унинг тарҳида, айниқса, Марказий Осиёда жуда кўп мамлакатлар борлиги, АҚШ улар ҳақида деярли маълумотларга эга эмаслигини ўқитди. Шимолий Аризона университетининг инглиз тили йўналиши бўйича тахсилни тамомлашга, "Тинчлик корпуси"нинг марказий штабига бориб, ўз тақлифларимни ва Марказий Осиёда шу соҳада ишлаш ниятим

борлигини айтдим. Икки ҳафтадан сўнг тақлифнома келди. Унда, ҳатто, Ўзбекистоннинг жойлашган ҳудуди Шимолий Покистон деб нотўғри кўрсатилган эди. Шундай қилиб, 1994 — 1997 йилларда "Тинчлик корпуси"да ишладим. Аввало, Самарқандда ўзбек тилини ўргандим. Кейин Қўқон шаҳридаги 23-мактабда инглиз тилидан болаларга дарс бердим. Қўқон шаҳри меннинг ҳаётимда энг ёрқин из қолдирди. Чунки қадимий шаҳардаги асл ўзбекона урф-одатлар, тарихий қадимлар жуда ёққан. Айниқса, Қўқон шаҳридаги ўзбек оиласида икки йил давомида яшаганим ўзбек тилини мукамал билиб олишимда тамал тошини қўйдим.

— Бизнинг севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарини инглиз тилига таржима қилибсиз. Бунга нима туртки берган эди?

— 1997 йилда "Тинчлик корпуси"даги фаолиятим ниҳоясига етиб АҚШга қайтдим. Вашингтон университетидан "Марказий Осиёдаги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили, ҳадидчилик ва Ислон фикри" бўйича магистрлик маҳорини олдим. 2000 йил-

да жонажон ватанимдек бўлиб қолган Ўзбекистонга бориб аспирантурадаги илмий ишга мавзу топши баҳонасида қардонларим билан қўришиш иштиёқи пайдо бўлди. Илмий раҳбарим профессор Илза Сиртаутас хонимдан руҳлат сўраганимда, у: "Ўткан кунлар" асарининг уч бобини таржима қилсанг, аспирантура битирган бўласан", деб шарт қўйди. Мен рози бўлдим. Шу баҳонада асарни тўлиқ таржима қилишга киришдим.

Таржима жараёнида ҳар гал бирор сўз ва асардаги воқеликни инглиз тилида қандай баён қилиш устида бош қотирсам, профессор Илза хоним кўз ўнгимда гавдаланади. Чунки у таржима санъати ҳар қандай изланишдан кўра машаққатли эканлигини яхши англаган. Йиллар давомида таржима жараёнида ҳар бир саҳифада яхлит бир илмий иш қилаётганимни ҳис этганман.

Таржимага қўл уришдан аввал асардаги ўша давр тарихи, ижтимоий-сиёсий вазият, урф-одатларнинг туркий халқлар оилаларидаги ўрни ҳақида батафсил маълумотларни ўрганиб чиқдим. Бу одатларга Қўқонда ўзбек оиласида яшаганимда, кўп марта дуч келганман. Масалан, асарда келиннинг чой узатиши, ота-она ва фарзандлар сўхбатидаги муомала одоби, андиша, лутф, меҳмон келишига тайёргарлик қўриш... Ҳаммасини, аввало, тўлиқ англадим.

Кейин биринчи ишни Тошкентдаги Абдуқосим мадрасаси билан ҳамкорлик ўрнатилган бошладим. У ердан лутгада йўқ сўзларнинг мазмунини тушунишимда, берадиган иккинчи маънолари ва этимологиясини англашимда жуда катта ёрдам берди. Мадрасанинг Қаҳрамоншоҳ Исмоилов, Камолитдин Мирзаяев

каби ходимлари эса асарга чизиладиган суратларда кўмак қилини қўзишди. Афғонистон сафарида 1907 йили босмадан чиққан икки томли "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"ни олгандим. Таржима жараёнида ана шу лугат кўп тарихий сўзларга асос бўлди. Ҳар кун ишдан кейин бир бетга 8 соатдан вақт сарфлардим. Рафиқам Еленага раҳмат дейман. Ўзбек тилини яхши биладиган бу аёл мен билан бирга таржимонлик қилди, десам, адашмайман. Таржимани 2005 йили Ўзбекистонда бошлаб 2017 йили АҚШда тугатдим. Индиана университетидан илмий изланиш олиб бораётган тошкентлик оlima Умида Ҳикматуллаева китобга муҳаррирлик қилган.

Мен ўзим ва таржимамни асар қаҳрамони Отабекка қиёсламан. У

Марғилон — Тошкент ўртасида ишқ туйғули каттаганидек, мен ҳам Америка ва Ўзбекистон ўртасида "Ўткан кунлар" асарига бўлган муҳаббатим сабаб кўп бора келиб-кетиб юрдим.

Ушбу асар таржимаси билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Энди Абдулла Қодирийнинг ҳаёти, ижод мактаби ҳақида сценарий ёзиб, бадий фильм оломоқчиман. Чунки Марказий Осиёда қандай буюк ижодкорлар, қалам улаҳи борлигини, улар ҳар қандай оғир кунларда ҳам ўз мақсадларини, орзу-умидларидан, халқидан воз кечмаганликларини бутун дунё, жумладан, америкаликлар ҳам катта экранлар орқали билишини жуда-жуда истайман.

"Халқ сўзи" махсус мухбири Элёржон ЭҲСОНОВ сўхбатлашди. АҚШ, Колумбия округи.

Кутубхона яна нурга тўлди

Норин туманидаги Хаққулбод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида замонавий матбуот ва ахборот-кутубхона маркази фойдаланишга топширилди.

МАЪРИФАТ

Коллеж кутубхонаси мукамал таъмирдан чиқарилиб, китобхонага хизмат кўрсатишининг илгор технологиялари жорий этилди. Хусусан, бу ерда саксон минг нусхадан ортиқ

адабиётлар жамланди. Электрон адабиётлар тизими орқали фойдаланувчилар зарур йўналишдаги китобни ҳеч қийналмасдан топа олади. — Янги зиё масканидаги шарт-шароитларга, бири-бирдан бежирим китобларга боқиб, бугунги ўғил-қизларга хавасим келди, — дейди муассасанинг тақдирот маросимида сўз олган меҳнат фаҳриши Тулашмирза Раҳмонҷавв. — Бизнинг ёшлик давримизда керакли китобни топиш жуда қийин бўлган, топишганда ҳам навбат кутиб ўқиганмиз. Демократия, бугунги кун имкониятлар замони бўлди. Бундай шароитларнинг

қадрига етишимиз, муролаа фарзандларимизнинг доимий олдига айланмоғи лозим.

Айтиш жоизки, касб-хунар коллежи ўқувчиларидан ташқари ҳудуддаги аҳоли барча қатлами ҳам бемалоғ фойдалана оладиган марказ биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши катта ёрдам кўрсатди.

Н. ҚУДРАТОВ.

Ибратга арзигулик шодиёна

Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, айни дамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг Бухоро ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отрядида ишлаётган Давроншоҳ Камолов билан қонглик Зулфия Жалолованинг никоҳ оқшомида келин-куёвга китоб жавони ҳамда умумий нархи 200 минг сўм бўлган китоблар жамламаси совға қилинди.

Маънавият

— Китоблар орасида жаҳон классик ва замонавий адабиёт намуналари, қолаверса, севимли шоир ҳамда ёзувчиларимизнинг асарлари борлиги бизни беҳад қувонтирди, — дейди Давроншоҳ.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳомийлигида ўтказилган никоҳ тўйи камчиқим, даб-дабадан холи, исрофгарчиликсиз кечгани билан кўпчиликам маъқул тушди. "Вилоятдаги дастлабки намунали никоҳ тўйи" дея эътироф этилган тантананда ёш оилага ҳомий ташкилотлар томонидан уй-рўзгор буюмлари ҳам тўхта қилинди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзмиллийбанк»: ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ



Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида 2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш мақсадларига эътибор қаратиш зарурлиги белгилаб берилган эди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт географиясини кенгайтириш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Натихада банк мижозлари орасида экспортчи корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Масалан, 2016 йилда улар 736 тани ташкил этган бўлса, бултур бу кўрсаткич 1040 тадан ошди. Улар томонидан биргина 2017 йили 71 давлатга 252 турдаги товар ва хизматлар экспорт қилинганни қувватланди. Керамика буюмлари, санитария-гигиена ҳамда қандолат маҳсулотлари, пластика хом ашёси шулар жумласидандир. Болгария, Эстония, Хорватия,

Венгрия каби давлатлар билан ҳам савдо алоқалари ўрнатилиб, шу сингари янги бозорларга сархил ва қуритилган мевалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, трикотаж ҳамда тўқимачилик буюмлари етказиб берила бошланди. Ташқи бозорда мева-сабзавотларга талаб катта эканлиги инобатга олиниб, банк томонидан бундай маҳсулотлар савдосини қўлайлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг мазкур тармоғида кластерларни ташкил этиш лойиҳалари қўллаб-қувватланаёпти. Шундан 139,4 миллион долларлик товар ва буюмлар экспорт фаолиятига янгидан жалб қилинган 92 та корхона хиссасига тўри келгани диққатга сазовор. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга эса Жамгарма

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамгармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. 2017 йил давомида Жамгарма томонидан 4700 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматлар экспортда амалий ёрдам кўрсатди. Натихада улар томонидан 1 миллиард 481 миллион долларлик ташқи савдо амалиётлари бажарилди. Шундан 139,4 миллион долларлик товар ва буюмлар экспорт фаолиятига янгидан жалб қилинган 92 та корхона хиссасига тўри келгани диққатга сазовор. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга эса Жамгарма

томонидан 7 миллиард 244 миллион сўм миқдоридан маблағ, шу жумладан, 5 миллиард 430 миллион сўм фоизсиз қарз, 1 миллиард 814 миллион сўм кўргазмалар ташкиллаштириш учун йўналтирилган эди. Бундан унумли фойдаланилган тўғайли 433,4 миллион долларлик шартномалар имзоланиб, улар доирасида 56 миллион 171 минг долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

2018 йилнинг дастлабки чора-ғида эса Жамгарма томонидан 2200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматлар савдосини йўлга қўйишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Натихада тадбиркорлар томонидан 929,8 миллион долларлик ташқи савдо шартномалари имзоланиб, 194 та субъектнинг 277,4 миллион долларлик маҳсулотлари хорижа сотилди. Шунингдек, 7 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилиниб, улар томонидан 4 миллион 681,5 минг долларлик маҳсулот чет эллик истеъмолчиларга етказиб берилди. Жамгарма ушбу йўналишдаги ишларни жорий йилнинг биринчи чорағида ҳам изчил давом эттирди. Ишбилармонларга молиявий

қўмаклашиш учун 3 миллиард 202,1 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Шунинг ҳисобидан 58 миллион долларлик шартномалар имзоланиб, 702,5 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жамгарма ёрдамида мамлакатимизнинг 200 дан ортиқ тадбиркорлари январь — март ойлари давомида 7 та хорижий кўргазма ва ярмаркада ўз маҳсулот ҳамда тижорат тақлифлари билан иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг самараси ўлароқ, кўпгина манфаатли шартномалар имзоланиб, улар асосида 556,1 минг долларлик маҳсулотлар етказиб берилди.

Президентимизнинг қўшни мамлакатларга амалга оширган давлат ташрифлари доирасида уюштирилган саноат маҳсулотлари миллий кўргазмалари ҳамда бизнес форумларида эса Жамгарма кўмағида қатнашган 500 дан ортиқ корхоналар томонидан умумий қиймати 83,3 миллион долларлик манфаатли шартномалар ҳам имзоланиб, қўллаб-қувватлашга эришилди. Бунинг натижасида ўтган давр мобайни-

да 25,5 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, бир қатор туманларнинг ихтисослашувида келиб чиққан ҳолда, Жамгарма таъсисчилигида 66 та агрофирма ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида ана шу ташкилотлар саъй-ҳаракати билан 39,8 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди. Жорий йилнинг I чорағида эса хорижий ҳамкорлардан 1 миллион 702,7 минг долларлик валюта маблағлари келиб тушди ва 1 миллион 241,9 минг долларлик экспорт амалиёти бажарилди. Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, молиявий шериклар билан манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545, 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 00.05 1 3 4 5 6